

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил


Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 4-ЙУН, СЕШАНБА, 68 (8149)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Пахтабод туманидаги "Ҳамид Дадобоев" фермер хўжалиги даласида гўзалар гул кўрсата бошлади. Фермер Ҳамиджон Дадобоев тажрибали агрономлардан. 19 гектар майдонда гўзанинг "Андижон-35" навини парвариш қилаётган фермер агротехник тадбирлар ижросида пешқадам. Бугун унинг даласига назар солсангиз, беихтиёр "Балли, фермер!" дейсиз.



Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларнинг барчаси халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.



Жорий йилги мавсумда мамлакатимиз бўйича 1000 та оромгоҳ болаларни ўз бағрига олади. Хусусан, 210 та стационар турдаги, 790 та кундузги, яъни коллеж ва лицей қошидаги оромгоҳлар, шу жумладан, 50 та меҳнат ва дам олдирish оромгоҳи фаолият кўрсатади. Уларда мавсум давомида 270 минг 350 нафардан ортик ўғил-қиз соғломлаштирилади. Бу ўтган йилларга нисбатан 10 минг нафар кўп демакдир.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Куннинг муҳим воқеалари

► Чирчиқ шаҳридаги "Адолат" маҳалласида янги болалар спорт майдончаси ишга туширилди. Шу муносабат билан маҳаллада катта байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирда Чирчиқ шаҳридаги 7-сонли Болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари ўз концерт дастурларини намойиш этишди.

► Самарқанд шаҳрида "Ҳамшира - 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳамширалар ассоциацияси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ревматология-пульмонология бўлими ҳамшираси Сарвиноз Турсунова голибликни кўлга киритди.

► Чирчиқ туманидаги "Чирчиқ тежамор газ таъминот" масъулияти чекланган жамиятида янги тармоққа асос солинди. Бу ерда ташкил этилган 50 сотих майдондаги иссиқхонада ҳудуд иқлимига мос ва ҳосилдорлиги анча юқори бўлган помидор, бодринг навлари парваришланмоқда. Иссиқхонада замонавий иситиш тизими билан бирга томчилатиб сугориш технологияси жорий қилинган.

Қашқадарё Вилояти

ОБОД ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ ОБОД



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида жорий йилда вилоятда 1050 та намунавий лойиҳадаги уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Қишлоқларни янада ободонлаштириш, қишлоқ аҳолисига муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадларига хизмат қилувчи, бу уйлар 13 та тумандаги 24 та массивда қад ростлайди. Мазкур мавзеларда 56,1 километр узунликдаги ичимлик суви, 36,7 километр узунликдаги табиий газ, 19 километр узунликдаги электр энергияси тармоқлари, 27,5 километр узунликда ички автомобиль

йўллари ҳамда 17 та ижтимоий ва бозор инфрақурилиши объектларини барпо этиш назарда тутилган.

Китоб тумани Боббон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги Чармгар массивида 2009-2012 йиллар давомида намунавий лойиҳалар асосида 125 та замонавий уй-жой, мактаб, спорт майдончалари, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари билан

бирга фойдаланишга топширилди. Бу йил массивда яна элик бешта ана шундай замонавий уй-жой қурилмоқда. "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси буюртмасига кўра, "Қашқадарё қурилиш лойиҳа сервис" масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига олти та махсус ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш корхонаси буюртмалари жалб этилган.

Қишлоқларимизда бир-бирдан чиройли, шинам гузарлар, савдо ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари, турар-жойлар барпо этилмоқдаки, шаҳардан қолишмайди, — дей-

ди қурувчи Жобир Аҳмедов. — Замонавий мактаб ва коллежлар, равон йўл ва обод кўчаларни кўриб дилнингиз яйрайди. Чиндан ҳам бундан йигирма йил олдинги қишлоқ билан ҳозирги қишлоқни асло таққослаб, тенглаштириб бўлмайди. Лойсувоқдан қурилган пастқам уйлар ўрнини замонавий, кўркам бинолар эгаллади. Одамларнинг дида, қарашлари, яшаш тарзида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Мана шу жараёнда — улкан бунёдкорлик ишларида иштирок этаётганимдан ниҳоятда бахтиёрман.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЮКСАЛИШ ОДИМАЛРИ

Қорақалпоғистон Республикаси

УЛКАН КОРХОНАНИНГ ҚЎШИМЧА ТАРМОҚЛАРИ

"Кўнғирот сода заводи" унитар корхонасининг иккинчи навбати қурилиши олиб борилмоқда. Бу эса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг икки баробар кўпайиши, экспорт салоҳиятининг ортиши ва кўплаб янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Шунинг билан бир қаторда унитар корхона раҳбарияти томонидан маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида диққатга сазовор ишлар олиб борилмоқда. Яқинда корхона қошида тикувчилик цехи фойдаланишга топширилди. Янги цехни ишга тушириш учун корхона томонидан 170 миллион сўм маблағ ажратилди. Замонавий дастгоҳлар ўрнатилган цехда 40 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди. Цехда "Кўнғирот сода заводи" унитар корхонаси ишчилари учун махсус кийим-кечақлар, кўрпа-тўшақлар буюртма асосида ишлаб чиқарилмоқда. Яқин кунларда касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мактаб формаларини тайёрлаш режалаштирилмоқда.

— Бундай цехларнинг ишга туширилиши хотин-қизларимизнинг, асосан касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш имконини бермоқда, — дейди Кўнғирот туманидаги Элобод шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Гулистон Хўжамбергенова. — Худудимизда кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият олиб бормоқда. "Кўнғирот сода заводи" унитар корхонаси томонидан яқин кунларда силикат гишт ва шиша буюмлар ишлаб чиқариладиган мини заводлар қуриш назарда тутилмоқда.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ

Наманган Вилояти

ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУН

Наманган муҳандислик-технология институтида "Иновацион ишланмалар самарадорлигини оширишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг роли" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Тошкент, Андижон, Самарқанд ҳамда Наманган шаҳридаги олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар, ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.

Анжуман доирасида илмий-тадқиқот ишлари акс этган стендлар, монография, ўқув-усулвий кўланмалар, дарсликлар кўргазмасининг ташкил этилганлиги семинари иштирокчиларида катта таассурот уйғотди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Навоий Вилояти

НУРОТАДАН ЭКСПОРТГА

Нурота туманидаги "Nurota textile" МЧЖда 80 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Болалар ҳамда катталар кийим-кечақлари тайёрлашга ихтисослашган мазкур корхона кунига 2500 дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Ҳозир Россия ва Словакия давлатларидан буюртмалар қабул қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари Олим Яҳёев. — Ютуқларимизда ишчи-ҳодимларимизнинг ҳиссаси салмоқли, албатта. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Айни пайтда хорижлик буюртмачилар билан қарийб 73 миллион сўмлик экспорт шартномаларини имзолаб, маҳсулотларни ўз вақтида харидорларга етказиб бермоқдамиз.

Яқинда корхонага 30 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий дастгоҳлар келтирилди. Улар воситасида тайёр кийимларга бежирим суратлар билан безак бериш амалга оширилмоқда.

— Касб-хунар коллежидан олган билим ва малакам корхонада асос қилинган, — дейди тикувчи Шаҳноза Жўракулова. — Маҳсулотларимиз сифатида алоҳида эътибор бераётганимиз боис, унинг экспортбўлиги таъминланмоқда. Бу ерда ишлаб ота-онамга нафим тегаётганидан хурсандман.

Корхона жамоаси истикболда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турини кўпайтириши мўжжалашмоқда.

Азимжон ХУШВАКОВ

Тошкент Вилояти

Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остидаги ёшлар фестивали ташкил этилди.

«БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДАРИМИЗ»


Мамлакатимиз мустақиллиги халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида бекиёв ўрин тутадиган, шоду хуррамлик билан нишонланган кутлуг айёмдир. "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остидаги ёшлар фестивали Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланди.

Фестивални ташкил этишдан асосий мақсад мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни, шунингдек, давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилётган имкониятлар, шарт-шароитларни кенг тарғиб этиш, юртимиз тараққиёти йўлида ўз хиссаларини қўшаётган иқтидорли ва фаол ёшларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ўз ақл-заковатини тўла намоён этишига кўмаклашишдан иборат. Фестиваль доирасида "Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти", "Ватан келажаги сенинг қўлингдан!", "Ҳеч қим меҳр ва эътибордан четда қолмасин!", "Президент асарлари билимдони", "Камолот билимдони", "Ҳоким ва ёшлар", "Сиз севган қахрамонлар", "Замонамиз қахрамонлари", "Депутат ва ёшлар", "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Видеонли сотувчи", "MIT.uz" миллий интернет танловининг тақдироти каби тарғибот лойиҳалари ташкил этилди. Мазкур лойиҳаларда жами 10 мингдан ортик ёшлар иштирок этди. Фестивалнинг якуний тадбири Олмалик шаҳридаги "Металлурги" ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман, шаҳарларидан жами 5700 нафардан ортик иштирокчилар қатнашди.

Равшан ҲАСАНОВ

РАВОН ЙЎЛЛАР ОБОД МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТАДИ

Миллий матбуот марказида "Ўзавтойўл" ДАК томонидан тизимда амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимиз автомобиль йўллари тармоқларида қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб боришда 13 та ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари сақлашга ихтисослаштирилган 7 та минтақавий таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари, 161 та туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси фаолият кўрсатмоқда.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги "2011-2015 йилларда инфраструктура, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги"ги Қарори ҳамда қабул қилинган мақсадли Дастурлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, 2013 йилда халқаро стандартларга жавоб берадиган 526 километрлик автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, Қамчиқ довоғида 71 километрлик автомобиль йўлида реконструкция ишларини якунига етказиш, шунингдек, кўприк ва йўл ўтказгичларни барпо этиш режалаштирилган. Ҳозирда ана шу режаларни амалга ошириш борасида ишлар қизгин олиб борилмоқда. Ўзбек Миллий автомагистрали таркибига кирувчи 59 километр-

дан ортик автомобиль йўли 4 тасмали қилиб, тўлиқ реконструкция қилинди. Булар жумласига Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи "Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" халқаро аҳамиятидаги автомобиль йўлининг 21 километри, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудларидан ўтувчи 4 километр, Қамчиқ довоғининг 6 километр қисмида реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, "Обод турмуш йили" Давлат дастурига асосан жорий йилнинг 5 ойлигида Фарғона, Данғара, Ўзбекистон туманларида, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Галлаорол туманларида, Бухоро шаҳридаги умумий фойдаланувчи бўлган автомобиль йўллари таъмирланди. Шунингдек, Фарғона водийси вилоятларини бир-

лаштирувчи ҳамда уларнинг қулай ва қисқа автомобиль йўллари орқали боғланишини таъминловчи 54 километр узунликдаги Қўқон шаҳрини айланиб ўтиш йўли ҳамда Сирғали туманидаги айланмаб ўтиш йўлининг навбатдаги 8 километрлик янги объектлари фойдаланишга топширилди.

"Ўзавтойўл" ДАК республикамизнинг қишлоқ жойларида қурилаётган намунавий турар-жойларда яшаётган аҳолига 239 километр узунликда равон йўллари қуриб берганлиги аҳамиятлидир. Йўлсозларимизнинг ана бир хайрли ишларидан бири — ички хўжалик қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлашга киришганидир. Мавжуд 67 минг 274 километрлик ички хўжалик қишлоқ автомобиль йўлларининг 26 минг километрлик қисмининг 2 минг километрлик шағал йўлларига ўтказилди. Шунингдек, жойларда асфальт-бетон ётқизиш ишлари ҳам Дастур режалари асосида таъмирланиб-реконструкция қилинмоқда.

Инвестиция дастурига мувофиқ 2015 йилга қадар Ўзбек Миллий автомагистрали таркибидеги 1487 километр автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилиниши ҳамда тўрт тасмали йўлга айлантирилиши, умумий фойдаланувчи автомобиль йўллари сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари учун 34,9 миллион АҚШ доллари қийматида машина-механизм техникалари ва ускуналар харид қилиниши, 24 та йўл қурилиш ва таъмирлаш корхоналарида модернизация ишлари амалга оширилди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситаси ходимлари ўзларини ақиқатирган саволларга жавоб олдилар. **Аҳмаджон РИХСИБОВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Сирдарё Вилояти

ЭНЕРГЕТИКА

Анжун Вилояти

Самарқанд Вилояти

Республикамиздаги ишлаб чиқарилаётган иссиқлик ва электр қувватларининг қарийб 30 фоиздан ошиги Ширин шаҳридаги "Сирдарё ИЭС" ОАЖ ҳиссасига тўғри келади. Корхонада 2009 йили 14 миллиард, 2010 йили 14,7 миллиард, 2011 йили 15,5 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 16,5 миллиард кВт. соатдан ошиб кетди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ БАҲҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

Эришилаётган ютуқлар замирида биринчи ўринда 2500 нафар жамоа аъзоларининг заҳматли меҳнати ётибди. Станцияда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, модернизациялаш борасида кенг ҳажмдаги ишлар бажарилаётир. Чунончи, бу ерда "Ўзбекэнерго" ДАК ва Германиянинг "Siemens" фирмаси билан тўзилган шартномага кўра, 2001-2002 йилларда 27,8 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланиб ёттинчи ва саккизинчи блоklar реконструкция қилинган. Бу ишлар ҳисобига турбогенераторлар қуввати ошиб, ёқилғи сарфи 10 фоизга камайди. 2009 йилда бундай истиқболли лойиҳалар давом эттирилиб, станциянинг бешинчи блоқи қайта жиҳозланди, унга бошқарув таҳлил қурilmалари, замонавий назорат ускуналари ўрнатилди. Корхонада айни чоғда ҳам техник ва технология янгилаш, модернизациялаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Белгиланган лойиҳалар дастури доирасида станцияга йиллик қуввати 120 МВтга эга бўлган 3 та детандер-генераторлари ўрнатилмоқда. Биринчи детандер-генераторни ўрнатиш ишлари тугалланди. Янги лойиҳанинг афзаллиги шундаки, у "сув тегиримини" ўшаёқ ишлаб билан бирга экологияга зарарсиз электр энергияси ишлаб чиқарилишини таъмин этади. Усқуналар тўлиқ ишга туширилгач, корхонанинг қуввати янада ошади.

олиб бориладиган модернизациялаш ва реконструкциялаш ишлари лойиҳаси тугалланса ҳар икки блокнинг қуввати 25 МВтга ошириб, ёқилғи сарфи 10 фоизга камайди, агрегатларнинг узлуқсиз ишлаш мароми 20 йилга узайтирилади.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида инфратузилмани ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда яқин истиқболда янги энергетика қувватлари, электр энергиясини узатиш тармоқларини барпо этиш ва реконструкциялаш бўйича 26 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Улар ичида "Сирдарё" ва "Янги Ангрэн" иссиқлик электр станцияларини бир-бири билан боғлайдиган юқори вольтли электр узатиш тармоғини қуриш лойиҳасининг ҳам борлиги келажакда энергия тизимини техник жиҳатдан тубдан қайта жиҳозлаш, барча ҳудудларни бирдек тўлақонли электр қуввати билан таъминлаш имконини беради, — дейди "Сирдарё ИЭС" ОАЖ директори, Ўзбекистон Қарҳамони Мирзахат Шамимов.

Электр қувватининг кундалик турмушимиз, ҳалқ ҳўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришидаги ўрни нечоғлиқ салмоқли ҳамда муҳим экани, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш, нурчиляриш заҳматли меҳнатини кадрлаш ҳам ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи керак. Зеро, электр энергиясини ишлаб чиқариш суръатларининг ошишини, турмушимиз бундан-да фаровон бўлишини асло тасаввур этиб бўлмайди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЎЗЛАРАДА ГҲЛ КҲРДИК

БУ – ЭКИННИНГ БАҲГИДАН ВА ИЛДИЗИДАН ОЗИҚЛАНТИРИЛАЁТГАНЛИГИ САМАРАСИ



30 май куни Пахтаобод туманидаги "Ҳамид Дадабоев" фермер ҳўжалиги далаида гўзалар гул кўрсата бошлади. Фермер Ҳамиджон Дадабоев тажрибали агрономлардан бири. У чигит экинни 16 март кун бошлаб, Наврўз айёми арафасида ушбу тадбирни ниҳоясига етказганди. 19 гектар майдонда гўзанин "Анжун-35" нави-ни парвариш қилаётган фермер агротехник тадбирлар ижросида пешкада. Бугун унинг даласига назар солсангиз, беихтиёр "Балли, фермер!" дейсиз.

2 июнь кун эса Балиқчи туманидаги Сохибаҳон Худойбердиева раҳбарлик қилаётган "Коиот" фермер ҳўжалиги аъзолари ҳам ўз далаларида гўза гулини кўришиб, меҳнатлари бесамар келмаётганлигидан хурсанд бўлишди. Фермер ташкилотчи, у ҳамisha ишни "уйқусида босишга" одатланган. Шундан бўлса керакки, механизатор ҳам, сувчилар ҳам, аъзолар ҳам зиммаларига юклатилган вазифаларни чиройли тарзда адо этишга ўрганишган.

1995 йилдан буён анжунлик дехқонлар май ойининг учинчи ўн кунлигида далаларида гўза гулини кўришга одатланишган эди. Бу йилги баҳор об-

ҳавосининг ўзгарувчан келганлиги боис айрим далаларга чигит суви берилиб, кўчат олинди. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, иш дехқонни шошириб қўйди. Шундан келиб чиқиб, энг тажрибали дехқонлар июнь ойининг бошида гул кўришга керак, деган фикрда эди. Айни вақтда ўнлаб фермерлар май ойининг охирида гул кўрсатадиган далаларга белги қўйишганиги ҳам маълум. Дехқон умиди юзага чиқди. Мана энди далаларда гўзанин оммавий гулга кириш жараёни бошланди.

Гўзанингу озуқага бўлган талабини қондиришда суспензия алоҳида ўрин тутаётганлигини таъкидлаш ўнш

жоиз. Яқиндагина ҳам дехқонлар экинни баргидан озиқлантиришга у қадар эътибор беришмасди. Энди эса, фермерлар "Қишлоқҳўжаликимё"нинг туман филиалларида эртароқ муржаат этишиб, далаларига камида уч бор суспензия сепиш чораларини кўришмоқда.

Жалақудўқ туманидаги "Ёрқин машъал жўжалиги" фермер ҳўжалиги раҳбари Шермуҳаммад Юнусов ер билан "тиллаша оладиган" агроном бўлганлиги учун суспензиянинг экин ривожидида аҳамиятини яқин англайди. Биз унинг даласида бўлган чоғимизда экин бор суспензия сепилаётган экан. Далани бир текис эгаллаган гўзалар гўж-гўж шона олишган. Фермернинг айтишича, бутунэрта гулнинг саногига этиб бўлмайдиган манзара пайдо бўлади.

Достонбек Бозорқулов, Исомиддин Обидов, Маҳаммадjon Шерматов, Маҳкам Ҳошимов сингари механизаторлар суспензия сепишда фермерларнинг беиминнат ёрдамчисига айланган. "Яшасин фаҳри", "Обод водий салтанати", "Мезон тонг шабоддаси" каби фермер ҳўжаликлариди бўлганимизда ҳам гўзаларни барги орқали озиқлантиришга бўлган эътибор катта эканлигини ҳис этдик. 10 июнга қадар учинчи суспензия беришни яқунлаш режалаштирилган. 8 та отрядга жам бўлган 26 та штангали ва пуракачили ОВХларнинг иш кўлами кенг. Уларнинг ҳар бири билан кунига 30 гектарга майдонга ишчи эритмаси пуракаляпти.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тоғолди ҳудудиди жойлашган Жалақудўқ туманидаги фермерларнинг далаларидаги гўзанин ривожини барваж. Бунда экинларнинг ҳам илдииздан, ҳам баргидан озуқа олаётганлиги муҳим омил бўлаётир.

Қобилжон АСКАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Тошкент Вилояти

Оҳангарон туманида "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда маҳалла идораларининг ижтимоий-иктисодий ўрни ва таъсирини кучайтириш, маҳалла фаолларининг ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш ҳамда ҳўқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Унда фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла побонлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида демократик ислохотларни тубдан чуқурлаштириш мақсадида маҳалла институтини изчил ривожлантирилмоқда ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳўқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий-иктисодий ривожланишга доир масалаларни ҳал этишдаги ўрни ҳамда таъсирини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбари тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда маҳалланин аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

Бундай ўқув семинарлари маҳалла идоралари фаолиятини янада такомиллаштиришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими раиси Ҳожимурод Эрматов. — Ушбу тадбирларда Парламент томонидан ишлаб чиқилаётган янги қонун ҳужжатларини мутахассислар томонидан батафсил тушунтириб, шарҳлаб берилаётгани фаолларимизнинг малакасини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ

Бухоро Вилояти



КОМБАЙНЛАР ЎРИМГА ШАЙ

"Ғиждувнагротехсервис" МТП корхонаси бу йил галла ўрими мавсумида тумандаги 4600 гектар майдонда етиштирилган галла ҳосилини саранжомлаб олиш бўйича қишлоқ мулкдорлари билан шартнома имзолашган. Корхона ихтиёрида бўлган юқори унумли 10 та "КЕЙС" ва 2 та "КЛАСС" русумли комбайнлар мавсумолди тайёргарлик чизигига келтириб қўйилди.

Ўрим комбайнларини таъмирлаш учун корхона томонидан 150 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, мавсум давомида уларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлаш мақсадида 100 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар захираси яратилган. Техник хизмат кўрсатиш машиналари хизмати ҳам йўлга қўйилган. — Корхонамиз Қоровулбозор, Бухоро,

Вобкент, Шофиркон туманларидаги фермер ҳўжаликларига ҳам бу борада ёрдам кўрсатишни режалаштириб қўйган, — дейди корхона раҳбари Фани Гафоров. — Ниятимиз мавсумда ҳар бир комбайн билан камида 600 гектар майдондаги галла ҳосилини ўриб олишга эришидан иборат.

Ҳамроз АЛИ олган сурат.

Наманган Вилояти

ИШ ҚУРОЛИ МАВСУМГА ТАХТ

Поп туманида дехқончилик маданиятининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Зеро, бир ҳудуддаги дехқончилик усулини бошқа жойдаги экин майдонига қўллаб бўлмайди. Ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитидан келиб чиқиб бири иккинчисидан фарқ қилади. Масалан, Сирдарёнинг ўнг қирғоқ минтақасида қўлланилаётган агротехник тадбирларни дарёнинг чап қирғоғига жорий этиб бўлмайди ёки шимоллий Фарғона каналининг юқори қисмидаги дашт-тошлоқ ва қир-адирларда шаклланган дехқончилик усулларини Аччиқ-кўл майдонларига татбиқ этиш қийин.

— Шунга қарамай, дехқонларимиз қишлоқ ҳўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил олишди, — дейди Поп тумани ҳокими Баҳодир Раҳмонов. — Чунки аҳоли орасида дехқончилик илмини пухта эгаллаган, ернинг қулфи-дилини яқини биладиганлар кўп. Туманимиз фермерлари ўтган йили 14200 гектар майдонда гўзанин "С-6524" ҳамда "Анжун-35" навларини парваришлаб, 32500 тонна пахта хирмони яратишди. Шунингдек, галлакорларимиз томонидан 47800 тоннадан ортиқ бугдой етиштирилиб, ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 47 центнерни ташкил этди.

Бу йилда ҳам галлачилик йўналишидаги 391 та фермер ҳўжалиги далаларида

бугдойнинг "Чиллаки", "Кума", "Таня", "Краснодар-99", "Вострог" каби истиқболли навлар парваришланди. Насиб этса, ҳосилдорлики ўрта ҳисобда 48,3 центнерга етказиб, давлатга 48500 тоннадан ортиқ галла топширмакчимиз.

Дехқонлар яқин билишди, ҳосил мўл бўлгани билан сарбалад хирмон дегани эмас. Бунинг учун ҳосилни ўз вақтида нест-нобудсиз йиғиштириб олиш керак. Мақсада эса пухта тайёргарликсиз эришиб бўлмайди. Тумандаги "Попагротехсервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан замонавий галла ўриш комбайнлари мавсумга тахт қилиб қўйилган. Аҳамиятлиси, ҳар бир техникага қишлоқ ҳўжалик касб-

хўнар коллежининг битирувчилари бириктириб қўйилган. — Мавсум давомида машаққатимиз оз бўлсин деб, иш қуролимизни соз қилиб қўйдик, — дейди "Попагротехсервис" МЧК раиси Воҳиджон Икромов. — Ҳозирда барча комбайнлар мавсумга тахт турибди. Комбайнчилар Маҳсудали Раҳмонов, Шомурод Комилов, Холматов Ниязовлар галла мавсуми фаолларидан бўлишга бел боғлашган. Шунингдек, мавсумни тез ва соз ўтказиш мақсадида жойларда 31 та дон ўриш отрядлари шакллантирилиб, улар таркибига жами бўлиб 217 нафар аъзо бириктириб қўйилди. Отрядларга нуфузли ташкилот раҳбарлари масъул этиб тайинланган.

Ўрилган галлани дон сақлаш корхоналарига 160 тадан ортиқ юк машиналари ташиб бериши кўзда тутилган. Бундан ташқари, ҳудудлар бўйича тез техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Қўйингиз, мавсумда юмушлар тез ва соз ўтиши учун бошқа қулай иш шароитлар ҳам яратиб берилади.


Урилган галлани дон сақлаш корхоналарига 160 тадан ортиқ юк машиналари ташиб бериши кўзда тутилган. Бундан ташқари, ҳудудлар бўйича тез техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Қўйингиз, мавсумда юмушлар тез ва соз ўтиши учун бошқа қулай иш шароитлар ҳам яратиб берилади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда экологик баҳқарорликни таъминлаш, ер усти ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ва табият мусофалигини келажак авлодлар учун асраб-авайлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам юртимизни янада обод этишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, улар бу борадаги ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, Давлат дастурида ҳалқнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр энергияси ва бошқа иссиқлик манбалари билан кафолатли таъминлаш, энергия ва бошқа ресурсларни тежовчи янги технологияларни жадал янги этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Шу билан бирга, Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар билан боғлиқ масалалар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда маҳалланин аҳамиятига тўхталиб ўтилди. — Бундай ўқув семинарлари маҳалла идоралари фаолиятини янада такомиллаштиришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими раиси Ҳожимурод Эрматов. — Ушбу тадбирларда Парламент томонидан ишлаб чиқилаётган янги қонун ҳужжатларини мутахассислар томонидан батафсил тушунтириб, шарҳлаб берилаётгани фаолларимизнинг малакасини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга



мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам минтақаларни ривожлантиришда, ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда олиб борилиши лозим бўладиган ишлар қаторида экологик масалаларга ҳам эътибор берилиши лозимлиги таъкидланиб, табиий ресурслардан, айниқса, ер ва сув ресурсларидан

5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куну

оқилона фойдаланиш, буг-газ электр станциялари қурилишини жадаллаштириш, энергиянинг ноанъанавий турларидан фойдаланиш масалаларига ало-

ошириш бўйича қўшимча чораларни кўриш ҳақида айтиб ўтган фикрлари ҳам давлатимиз энергетика секторида соф ривожланиш механизмиларининг жорий

лар ва технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбалари

лари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилганлиги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда барқарор ривожланиш вазифаларини ҳал этиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларнинг барчаси табиий мувозанатни сақлаш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш ва ҳалқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга ҳамда пировардида аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади. Айни вақтда шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, фуқароларимизнинг экологик ва ҳўқуқий маданиятининг юксалишига ва ижтимоий-ҳўқуқий фаоллигига бевосита боғлиқдир.

Жаҳонгир САФАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди.

ОБОДЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИИБ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Бухоро шаҳридаги Вобкент кўчасида жойлашган собиқ харбий госпитал (корпус 1, 2, 3) биноларини мукамал таъмирлаш» Буюртмачининг бошлангич қиймати – 1 015 877 743 сўм (ҚҚС билан), 846 564 786 сўм (ҚҚСсиз).

Буюртмачи: Бухоро вилояти ИИБ. Манзили: Бухоро шаҳри Б.Нақшбанд кўчаси 10-уй. Телефон: (8-365) 224-21-21, факс: 224-13-75.

Талабор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдосидаги предметни қийматининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганилик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга, шунингдек, мудофаа объектларида бажариладиган ишларга махсус рұхсатнома (лицензия)га эга бўлиши-

лари лозим. Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси кўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдослари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил буйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51. Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – юз минг сўм. Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади. Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати - офёрталар очилиши кунини ва соати. Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй 18-хона.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Бухоро шаҳридаги Бухоро автоавтомобиль ва дарё транспорти агентлиги Бухоро вилояти бўлими маъмурий биносини мукамал таъмирлаш» Буюртмачининг бошлангич қиймати – 144 796 391 сўм (ҚҚС билан), 120 663 659 сўм (ҚҚСсиз).

Буюртмачи: Ташкент шаҳри Зулфияноним кўчаси 3-уй. Телефон: (8-371) 241-72-01, факс: 241-72-03. Талабор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари

керак: танлов савдослари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганилик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси

кўшимча равишда ҳисобга олинади. Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдослари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил буйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй 18-хона. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51. Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – Юз минг сўм. Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади. Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати – офёрталар очилиши кунини ва соати. Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шох кўчаси 5-уй 18-хона.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

«Строительство двух этажного здания отдела ЗАГС по улице «Мустақиллик» пос. Янгибазар Юкориричского района Ташкентской области» Стартовая стоимость с НДС – 506 456 860 сум.

Кий областной территориальной консалтинговой центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на конкурсном объекте.

объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

ся на сумму указанного налога. Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! УПРАВЛЕНИЕ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

«Капитальный ремонт помещений 1-отряда ППС в Ангреном ГОВД УВД Ташкентской области» Стартовая цена заказчика составляет – 147 905 492 сум с НДС.

для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

объема работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! УП «ПАХТИНСКАЯ НЕФТЕБАЗА» ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

«Монтаж наливной линии для обеспечения реализации нефти в железнодорожных цистернах на железнодорожной эстакаде УП «Пахтинская нефтебаза» в Чиназском районе Ташкентской области» Стартовая стоимость с НДС – 364 598 960 сум.

нообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

«KQ'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING XUDUDIIY FILIALLARI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES VAQILLARI HAMDA XUSUSIIY TADBIRKORLARNI OCHIQ TANLOV SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2013 йил 10 майдаги 660-сонли қарорига асосан тadbirkорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда: 1. Савдо, маийш хизмат кўрсатиш ва кўп қаватли турар-жой биноси қуриш учун Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси ёқасида жойлашган, 800,0 кв.м.дан иборат 1-сон ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 565 000 сўм.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас. Талаборлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАТ "Турон банк" Бухоро филиалининг Мустақиллик минибанки, х/р: 2020800030492060916, МФО 00111, СИТР 207122519. х/р га тўлашлари шарт. Талаборлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

тумани ҳокимининг 22.05.2013 йил кунги №136/02-01-сонли алоқа хатига асосан тadbirkорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда: 1. Маҳалла гузари қуриш учун, Бешарик шаҳар Олмазор кўчаси 2-зона худудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 142 908 сўм.

«Монтаж наливной линии для обеспечения реализации нефти в железнодорожных цистернах на железнодорожной эстакаде УП «Пахтинская нефтебаза» в Чиназском районе Ташкентской области» Стартовая стоимость с НДС – 364 598 960 сум.

нообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

БОЛАЛИКНИНГ БЕТАКРОР ОНЛАРИ

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ МАРОҚЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОХЛАРИ ЯНГИ МАВСУМГА ШАЙ ЭТИБ ҚЎЙИЛДИ

Жорий йилги мавсумда мамлакатимиз бўйича 1000 та оромгоҳ болаларни ўз бағрига олади. Хусусан, 210 та стационар турдаги, 790 та кундузги, яъни коллеж ва лицей қошидаги оромгоҳлар, шу жумладан, 50 та меҳнат ва дам олдиратиш оромгоҳи фаолият кўрсатади. Уларда мавсум давомида 270 минг 350 нафардан ортиқ ўғил-қиз соғломлаштирилади. Бу ўтган йилларга нисбатан 10 минг нафар кўп демекдир.

Эътиборли жиҳати шундаки, жорий йилда ихтисослаштирилган оромгоҳлар сонини ортиштириш билан бирга мазмунан бойитилди. Хусусан, 2011 йилдан амалиётга киритилган ва тажрибада ўзини оқлаган интеллектуал ривожлантириш, тарбия, спорт, меҳнат ва дам олдиратиш оромгоҳлари билан бир қаторда жорий йилда экологик-биологик, ўлкашунослик, техник ижодкорлик, ижтимоий мослашув оромгоҳлари фаолият кўрсатади. Ҳар бир ихтисослаштирилган оромгоҳга болалар қобилиятлари, иқтидорлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб қамраб олинди. Масалан, интеллектуал ривожлантириш оромгоҳларида республика миқёсида ўтказилган "Билимдонлар синови"да юқори натижаларга эришган ўқувчилар ҳордиғи ташкил этилди, экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳларида болалар учун сайёҳлик-ўлкашунослик йўналишидаги амалий тўғрақлар ташкил этилади. Ва уларда ўлкаимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ўзига хосликларни ўргатилади.

Шунингдек, кам таъминлаган ҳамда боқувчисини йўқотган оила-



“ЁЗГИ ТАЪТИЛ – 2013”

лар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб интернатлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган болаларни имтиёзли соғломлаштириш доимий эътиборда.

– Жорий мавсумда ҳам ходимларнинг 30 минг нафардан ортиқ фарзандларини соғломлаштириш режалаштирилган, – дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Урмонбекова. – “Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида маҳаллаларда истикомат қиларган 600 нафар ўғил-қиз ҳам ушбу имтиёздан фойдаланади. 500 нафардан зиёд иқтидорли болаларга эса интеллектуал ривожлантириш оромгоҳларига бепул йўланмалар берилди. Меҳрибонлик уйларидаги икки минг нафар тарбияланувчиси ҳам имтиёзли соғломлаштирилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келадиган 4,5 минг нафар бола Тошкент, Жиззах ва Қашқадарё вилоятидаги энг сўлим масканларда ҳордик чиқара-

ди. Қолаверса, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 1,5 минг нафар бола ўз онаси билан бирга дам олади.

Қайд этиш жоизки, мавсумни намунали ўтказиш, болаларни оромнинг 30 минг нафардан ортиқ соғломлаштириш учун ёзги дам олишни мувофиқлаштириш ва мавжуд муаммоларга тезда ечим топиш мақсадида бугунга қадар махсус ишчи гуруҳлар, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аниқ дастурлар тuzилган.

– Соғломлаштириш масканларида болаларни ёзги таътил кунларини янада мазмунли ўтказишлари учун бир қатор услубий тавсияномалар, оромгоҳларда кундалик амалга ошириладиган ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, – дейди Халқ таълими вазирлиги бошқармаси мутахассиси Равадан Эргашев. – Ушбу режалаштирилган ишларни амалга ошириш мақсадида педагог мутахассислар танлаб олиниб, улар жорий йилнинг

15-25 май кунлари ҳудудий малака ошириш институтларининг махсус ўқув курсларида малакасини оширишди. Оромгоҳларда фан, бадий ижод, спорт-соғломлаштириш каби йўналишлар билан бир қаторда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан келиб чиқиб, жорий йилдан ҳорижий тилларни ўрганиш бўйича ҳам махсус тўғрақлар ташкил этилади.

Оромгоҳларда қатор ташкилотлар томонидан маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, таниқли инсонлар билан учрашувлар, бадий кечалар, ижодий фестиваллар, кўрик-танловлар, китобхонлик байрамлари, “Ўзбекистон – бахтиёр болалар мамлакати”, “Мустақиллик-менинг тақдиримда”, “Касаба уюшмалари болаларига” каби болалар акциялари ташкил этилиши болаларнинг таътили янада қизиқарли ва мазмунли ўтишига хизмат қилади. “Ўзбекистон” эстрада бирлашмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, улар асосида таниқли санъаткорлар, “Нихол” мукофоти совриндорлари иштирокида концертлар намойиш этилиши кўзда тутилмоқда.

Сирасини айтганда, юртимизнинг сўлим манзилларида жойлашган барча оромгоҳлар янги мавсумга шай. Уларда яратилган қулай шарт-шароит ва ўтказилажак маънавий-маърифий тадбирлар болаларнинг хотирасида бир умрга сақланиб қолади.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ЎҚИШГА
МАРҲАМАТ!

САМАРҚАНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ 2-СОН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ 2013-2014 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 1-КУРСГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Академик лицейга 9-синфни битирган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Академик лицейда тўртта йўналиш мавжуд:

1. Аниқ фанлар (математика, физика, она тили ва адабиёт).
2. Аниқ фанлар (математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт).
3. Табиий фанлар (биология, кимё, она тили ва адабиёт).
4. Ижтимоий – гуманитар фанлар (тарих, инглиз тили, она тили ва адабиёт).

Академик лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

1. Академик лицей директори номига ариза.
2. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нұхсаси).
3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

4. Турар жойдан маълумотнома.

5. 3x4 ёки 4x6 см. ўлчамдаги 6 донга фотосурат.

6. 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома (асл нұхсаси).

7. Худудий касб-хўнарга йўналтирилган психологик – педагогик тахшиш марказининг тавсияномаси.

8. Ҳужжатларни топшириш далолатномаси

9. 9-синф жорий йилда битирмаганлар учун 10-11 синфда тахшиш олмаганлиги тўғрисида ўқиган мактабидан ва маҳалла кўмитасидан маълумотнома.

Ҳужжатлар ўрнатилган тартибда маслаҳат гуруҳига тақдим этилади.

Манзил: Самарқанд шаҳри М.Қошғарий кўчаси 85-“А” уй.

Телефон: 233-37-42, (+99890) 100-09-12, Samal2qxi@mail.ru

Мўлжал: Миллий банк (эски биноси)

○ Реклама ва эълонлар

LADA БИЗНЕС
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09, (+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

www.suv mash.uz

SUVMASH

ЭЦВ, Д, К, НК, Гру, АД2000-21, А50ГО, А30ГЦ, А40ГЦ, СНЭ200/5, УПП200/5 насослари тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш. Хусайн Байқаро кўч., 13.
Тел.: (998-71) 295-13-00; 295-06-34; 295-06-35; 295-06-37;
295-19-08 Факс: (998-71) 295-51-08 e-mail: sales@suv mash.uz;
office@suv mash.uz; suvmash@mail.ru www.suv mash.uz

Автомобили УАЗ от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

Центры продаж в Ташкенте:
Тел./факс: (8 371) 215-09-11; 215-18-17
Телефон: (+99891) 162-99-99; (+99898) 303-90-09; (+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте: www.sardor-avto.uz

УАЗ Patriot (comfort) ПИКАП

Прессподборщик машиналарида қўлланиладиган сомон, хашак боғловчи (сеновязальный) полипропилен шпигати пул кўчириш йўли билан сотилади.

Махсулот корхонамиз ва “Ўзстандарт” лабораторияларида синовдан ўтказилган, сертификатлаштирилган.

Махсулот сифатига қафолат берамиз.

Тел.: (+99893) 382-89-14, 550-75-79.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2)

Запасные части к тракторам “Беларусь”
Шины различных моделей

махсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Утеранный диплом К № 1511871, выданный в 2009 г. Ташкентским юридическим колледжем на имя Тураева Бахтияра Нормеглиевича, считать недействительным.

“BOULING-YULDUZ” МЧКНИНГ устав фонди 834 684 60 АҚШ доллардан 769 316 89 АҚШ долларини қайтарилади. Мўражат учун манзил: Тошкент ш. Юнусовд т. Амр Темур кўч. 60-й.

Тошкент ш. Олмазор (собиқ С.Рахимов) т. ҳокимияти ТСРҲИ томонидан (17.11.2003 й., реверс № 000043-05) рўйхатга олинган “МАНАЛЛА УЎЛАРА-АЙМАК” МЧКНИНГ бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Хамза т. ТСРҲИ томонидан (24.10.2011 й., реверс № 003672-07) рўйхатга олинган Хамза т. Мусаканов 2-тўр кўч., 23-А уй манзилда жойлашган “ZAFAR MAXAM SERVIS” МЧК (СТПР 302125103) тугатилди (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 03.06.2013 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар давталари 2 ой муддатда 327-35-38 тел. орқали қабул қилинади.

Миробод т. ТСРҲИ томонидан (10.10.2005 й., гувоҳнома № 001159) рўйхатга олинган “FARMER-TRADE” (D) МЧКга тегишли бўлган думалок мура ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “BEAUTIFUL ROOFS” (СТПР 302690021) соҳибдори оғоздаги ўзгаришлар билан маълумот берди.

Утеранный кадастровые документы оформленные на имя Касимова Бахтияра Закировича на земельный участок по адресу: г. Ташкент, Жиласарайский р-н 1 пр. Х.Сулэйманова 1, считать недействительными.

Утеранный гос. ордер № 08-01/26680 от 25.08.1993 г. права собственности на квартиру на имя Нефедовой Светланы Михайловны, считать недействительным.

Утеранный кассовый аппарат “Меркурий-115 Ф” № 82470 зарегистрированный Утеранным ГНИ по адресу: “Утераннор иктисослашган бозор” 2 павилон 62 магазин на ЧП “МУХИТДИНОВ МУЗАФАР МАХМУДУОВИЧ”, считать недействительным.

Иностранное предприятие в форме ООО “UNIVERSAL LOGISTICS SERVICES” (ИНН 302497495) Юнусабадского р-на г. Ташкента, ишда четта об умумийнинг уставини фондиз с 5 000 000 доллар США да 1 007 183 96 доллар США.

ЧП “ABDULLAJI XIKKI” (ИНН 204287140), зарегистрированное от-делом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Катартан д. 38, ликвидировано (протокол собрания № 1 от 31.05.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 854-90-82.

“ASIA ALLIANCE BANK” OATB томонидан жорий йилнинг 20 майда пудратчи ташкилотчи танлаш узасидан ўзгаришган очик танлов савдолари натижаларига кўра “PROGRESS VEGA PLUS” масъулияти чекланган жамияти голуб дроб топилганлиги маълум қилинди.

Тошкент вило. Янгийул т. “SEVARA KOMMUNALNIY FAYZ” МЧКга тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеранный четырехручальный регистрационный штамп с надписью “HOTEL XIVA” принадлежащий ООО “TURIZM SOLNECHNOY DOJIN” с 31.05.2013 г. считать недействительным.

Частная производственная медицинская фирма “АНИК” созданная 06.05.1993 г. Постановлением № 754 хокимията Жиласарайского р-на г. Ташкента (свидетельство о гос. регистрации от 13.06.2007 г. за реверс № 002961-04) по адресу: г. Ташкент М.Улуғбекский р-н ул. Содикова (в настоящее время “Катна Дархон”) д. 5, в соответствии с решением единственного учредителя (собственника) от 27.05.2013 г., соҳибдори оғоздаги ўзгаришлар билан маълумот берди.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОКОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдижабоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар КУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масълул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7023

7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 0 7

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона – 236-58-83, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 236-56-25, Факс – 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; Вилоятлар: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОСОМУХАММЕДОВА